

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 3 -сонли

Гурлан тумани

2022 йил “ 15 ” Ноябрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Гурлан туман Мактабгача талим булими» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи Матсафаев Жалоладдин Мухиддинович бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «GURLAN JAMSHID I BUSINESS» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Ж.Балтабаев иккинчи томондан Гурлан туман МТБга қарашли 17-сон МТТ Иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

-**жорий таъмирлаш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома Гурлан туман МТБга қарашли 17-сон МТТ Иситиш тизимини жорий таъмирлаш кўзда тутилган лойиҳа бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини ҳамда объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил 10 ноябрдаги № 176164-қарори (Танлов комиссияси қарори санаси Баённома рақами-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан бирга 66 404 519 (Олтинчи олти миллион тўрт юз тўрт минг беш юз ўн тўққиз) сўмни ташкил этади. (Шу жумладан ҚҚС-8 661 459 ( Саккиз миллион олти юз олтинчи бир минг тўрт юз эллик тўққиз)сўмни ташкил қилади)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 2-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- таъмирлаш майдони кўрикланишини таъминлаш;

- таъмирлашда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаб Ғазначилик бўлинималарида руйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни **2022 йил 30 кунгача** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдоридан аванс утказади, бу **19 921 355 ( Ўн тўққиз миллион тўққиз юз йигирма бир минг уч юз эллик беш)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект таъмирлаши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирлашига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект таъмирлашида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект таъмирлашининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охиригача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун таъмирлаш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «**Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура**» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қўнайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни Аниқланган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **X. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда таъмирлаш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдоридан жарима солиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектурурилишнадзорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юбориши.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРИШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

41. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

42. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

43. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қиради.

44. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рұхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

45. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рұхсатномалар ва бошқа рұхсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

46. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

47. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф

шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

48. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

49. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермас ва ушлаб турилган сумманинг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

50. Пудратчи объектни ўз вақтида таъмирлаб ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

51. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

53. Томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки макomini нотугри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдоридан жарима тўлайди.

54. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

55. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки қўшимча ва ўзгартириш киритишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар ўз аро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

56. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

61. Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

##### БУЮРТМАЧИ:

##### ПУДРАТЧИ:

|                                      |  |
|--------------------------------------|--|
| «GURLAN JAMSHID I BUSINESS» МЧЖ      | Гурлан туман Мактабгача таълим бўлими    |
| Манзили: Гурлан туман Бинокор кучаси | Манзили: Гурлан туман Мустақиллик кучаси |
| Тел/факс: 97 511 09 01               | Тел/факс: 3651594                        |
| х/р: 20208000905434513001            | ш/хр: 100022860332087091100251002        |
| ИНН: 308831234                       |  |
| ОКОНХ:43299                          | ИНН: 305153945 ОКОНХ: 84113              |
| Банк: «Агробанк» АТБ Гурлан фил.     | Моллия Вазирлиги Ҳазначилиги             |
| МФО:00554                            | Ҳазна х/в : 23402000300100001010         |
|                                      | Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ      |
|                                      | МФО : 00014 ИНН: 201122919               |

М.Ў.  Ж.Балтабаев

М.Ў. \_\_\_\_\_ Ж.Марсафаев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

GR1672162157

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Kurilish shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Gurlan tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Gurlan tuman yuridik  
markazi  
markaz rahbari:



**E.K.RAXMATILLAYEV**

15.11.2022



Гурлан туман 17-сон МТТнинг Иситиш тизимини жорий таъмирлаш буйича ойлар давомида  
молиялаштириш графиги

(минг сум)

| Т/р | Объект номи ва манзили   | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун молиялаштириш киймати |        |      |         |     |      |         |        |         |         |       |           |  |
|-----|--|--------------------------|-------------------------------------|--------|------|---------|-----|------|---------|--------|---------|---------|-------|-----------|--|
|     |  |                          | 1-чорақ                             |        |      | 2-чорақ |     |      | 3-чорақ |        |         | 4-чорақ |       |           |  |
|     |  |                          | январ                               | феврал | март | апрел   | май | июнь | июль    | август | сентябр | октябр  | ноябр | декабр    |  |
| 1   | 2  | 3                        | 4                                   | 5      | 6    | 7       | 8   | 9    | 10      | 11     | 12      | 13      | 14    | 15        |  |
| 1   | Гурлан туман 17-сон МТТнинг Иситиш тизимини жорий таъмирлаш буйича | 66 404,50                |                                     |        |      |         |     |      |         |        |         |         |       | 66 404,50 |  |



Буюртмачи:

М.У

*Handwritten signature*

Пудратчи:



Гурлан туман 17-сон МТТнинг Иситиш тизимини жорий таъмирлаш буйича ойлар давомида  
ишларни бажариш графиги

(минг сум)

| Т/р | Объект номи ва манзили   | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун ишларни бажариш киймати |        |      |         |     |      |         |        |         |         |       |           |  |
|-----|--|--------------------------|---------------------------------------|--------|------|---------|-----|------|---------|--------|---------|---------|-------|-----------|--|
|     |  |                          | 1-чорақ                               |        |      | 2-чорақ |     |      | 3-чорақ |        |         | 4-чорақ |       |           |  |
|     |  |                          | январ                                 | феврал | март | апрел   | май | июнь | июль    | август | сентябр | октябр  | ноябр | декабр    |  |
| 1   | 2  | 3                        | 4                                     | 5      | 6    | 7       | 8   | 9    | 11      | 12     | 13      | 14      | 15    | 16        |  |
| 1   | Гурлан туман 17-сон МТТнинг Иситиш тизимини жорий таъмирлаш буйича | 66 404,50                |                                       |        |      |         |     |      |         |        |         |         |       | 66 404,50 |  |



Буюртмачи:

М.У

*Handwritten signature*

Пудратчи:



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 176164 на приобретение Гурлан туман МТБга карашли 17-сон МТТнинг Иситиш тизимини жорий таъмирлаш учун.**

Словоб прелендення адаларини

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 16:20

Заключенная комиссия Гурлан тумани Мактабгача таълим бўлими-марказлашган. (Далле - Комиссия) в составе:

|                              |                                       |   |                  |
|------------------------------|---------------------------------------|---|------------------|
| <b>Председатель комиссии</b> | MATSAJAYEV JALALABDIN<br>MUNTDINOVICH | Гурлан туман МТБ бўлими мудири          | Гурлан туман МТБ |
| <b>Секретарь комиссии</b>    | BOVONJOMY SIBOXIJI<br>SHAVKAT O'G'LI  | Методист                                | Гурлан МТБ       |
| <b>Член комиссии</b>         | KAMALOV JASURBOK<br>FAHXADOVICH       | Шарҳномачи                              | Гурлан туман МТБ |
| <b>Член комиссии</b>         | KALADOV VAHOBIK<br>KALIMVALEVICHI     | Гурлан туман МТБ энзимат бўлими бошлоси | Гурлан туман МТБ |
| <b>Член комиссии</b>         | BAZIMOV XAMZA<br>NASRIBAYEVICHI       | Боли хисобчи                            | Гурлан туман МТБ |
| <b>Член комиссии</b>         | SADILAYEV XIZIRBENLIK<br>FAHXADOVICH  | Гурлан туман МТБ хизмат бўлими ходими   | Гурлан туман МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 176164. Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены!

Мин. балл: 90

Предмет закупки:

|   |   |  |  |
|---|---|--|--|
| <b>Наименование товара (работы, услуги)</b> | <b>Услуга по текущему ремонту системы отопления, сан узла</b> |  |  |
| Подробное описание                          | 17-сон МТТ (Йсгила Топилма) жерий таъмирлаш                   |  |  |
| Количество товара                           | 1.00  |  |  |
| Единица измерения                           |   |  |  |
| Цена товара (услуга) за единицу             | 67 969 532.00   |  |  |
| Стартовая сумма                             | 67 969 532.00   |  |  |
| Валюта                                      | UZS   |  |  |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқдор ва йиғимларни тулаш бўлича мурдат утган қардорликнинг мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание |
|------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|
| файл:grant             | 5         | 66969532           | 5              | Экспертная |            |

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание |
|------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|
| MCHB GURLAN JAMSHID BUSINESS | 5         | 66969532   | 5              | Экспертная |            |
| ООО ELEMENTAR ASR QURILISH   | 5         | 1. Солиқдор ва йиғимларни тулаш бўлича мурдат утган қардорликнинг мавжуд эмаслиги. | 5              | Экспертная |            |

Критерий №2 Танлаш иштеросчилари томонидан коррупция куришилларига бул қўймаслик бўйича ариза таъдим этиш мавжудлигини ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание |
|------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|
| файл:grant                   | 3         | 66969532   | 3              | Экспертная |            |
| MCHB GURLAN JAMSHID BUSINESS | 3         | 66969532   | 3              | Экспертная |            |
| ООО ELEMENTAR ASR QURILISH   | 3         | 12. Танлаш иштеросчилари томонидан коррупция куришилларига бул қўймаслик бўйича ариза таъдим этиш мавжудлигини ҳақидаги талаб. | 3              | Экспертная |            |

Критерий №3 Молиявий қўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил ушун билан баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание |
|------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|
| файл:grant                   | 8         | 66969532   | 8              | Экспертная |            |
| MCHB GURLAN JAMSHID BUSINESS | 8         | 66969532   | 8              | Экспертная |            |
| ООО ELEMENTAR ASR QURILISH   | 8         | 11. Молиявий қўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил ушун билан баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи) | 8              | Экспертная |            |

Критерий №4 Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| qshlgshant                     | 10        | 66069532  | 10             | Экспертная |            |         |
| MCHU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 10        | 66404519  | 10             | Экспертная |            |         |
| OOO ELEMENTAR ASR QURILISH     | 10        | 10. Бажарилган ишларни қабул қилиш лозимлиги Давлатномаси | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Таъкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| qshlgshant                     | 4         | 66069532   | 4              | Экспертная |            |         |
| MCHU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 4         | 66404519   | 4              | Экспертная |            |         |
| OOO ELEMENTAR ASR QURILISH     | 4         | 9. Таъкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалиги | 4              | Экспертная |            |         |

Критерий №6 Қурилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар рублига

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| qshlgshant                     | 5         | 66069532  | 5              | Экспертная |            |         |
| MCHU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 5         | 66404519  | 5              | Экспертная |            |         |
| OOO ELEMENTAR ASR QURILISH     | 5         | 8. Қурилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар рублига | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №7 Қурилиш қайдонини қўрағиллик бўлишидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника                                      | Балл участника | Тип оценки | Примечание      | Причина                                     |
|--------------------------------|-----------|---|----------------|------------|-----------------|---|
| qshlgshant                     | 27        | 66069532  | 27             | Экспертная |                 |   |
| MCHU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 27        | 66404519  | 27             | Экспертная |                 |   |
| OOO ELEMENTAR ASR QURILISH     | 27        | 7. Қурилиш қайдонини қўрағиллик бўлишидаги маълумотнома | 0              | Экспертная | Дисквалификация | Тамирлаш корхонаси аризага қўраа қатъиярди. |

Критерий №8 Танлов объектлари ишлатиладиган қурилиш материалларининг маълумоти сақланганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| qshlgshant                     | 7         | 66069532  | 7              | Экспертная |            |         |
| MCHU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 7         | 66404519  | 7              | Экспертная |            |         |
| OOO ELEMENTAR ASR QURILISH     | 7         | 6. Танлов объектлари ишлатиладиган қурилиш материалларининг маълумоти сақланганлиги | 7              | Экспертная |            |         |

Критерий №9 ЎМнинг 2021 йил 55-сон қарори билан тасдиқланган "Қурилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби бўлишида" ги лозим талаблардаги рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган ташкилотлар иштироки

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| qshlgshant             | 10        | 66069532           | 5              | Экспертная |            |         |
| MCHU GURLAN JAMSHID I  | 10        | 66404519           | 5              | Экспертная |            |         |

| Наименование участника BUSINESS | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО ELEMEXTAR ASR QURILISH      | 16        | 5. Влияние 2021 йил 55-сон қарори билан тасдиқланган "Қуралли соҳасида таловдорли ташкил этили ва ўтказили турлиби тўрисида" ги қарорим таллабдорларга раъйнинг қўриб келинарга эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари шарт | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №10 Ички ва хориқлари малакаси мугалласлиги ва иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 5         | 6098932  | 5              | Экспертная |            |         |
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 5         | 6648419  | 5              | Экспертная |            |         |
| ООО ELEMEXTAR ASR QURILISH     | 3         | 4. Ички ва хориқлари малакаси мугалласлиги ва иш тажрибаси | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №11 Сферант тўрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника                  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|-------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 9         | 6098932                             | 9              | Экспертная |            |         |
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 9         | 6648419                             | 9              | Экспертная |            |         |
| ООО ELEMEXTAR ASR QURILISH     | 9         | 3. Сферант тўрисида умумий маълумот | 9              | Экспертная |            |         |

Критерий №12 Соответствующий проектно-сметный документ на предлагаемую сумму

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника         | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 7         | 6648419  | 7              | Экспертная |            |         |
| ООО ELEMEXTAR ASR QURILISH     | 7         | 3. Соответствующий проектно-сметный документ на предлагаемую сумму | 7              | Экспертная |            |         |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника         | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение предпочтений | Общее значение (UZS) | Дата проведения        | Оценка стоимости (балл) |
|--------------------------------|-----------------|--------------------|----------------------------------|-------------------------|----------------------|------------------------|-------------------------|
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 67 969 532,00   | 66 969 532,00      | 66 969 532,00                    | 00,00                   | 66 969 532,00        | 09.11.2022<br>11.02.25 | 99,15631                |
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | 67 969 532,00   | 66 404 319,30      | 66 404 319,30                    | 00,00                   | 66 404 319,30        | 09.11.2022<br>11.05.20 | 100                     |

Итоговая оценка участников введена финансовой части составила:

| Наименование участника         | Общий балл по тендерной части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|--------------------------------|-------------------------------|--------------------------------|---------------|
| ООО ELEMEXTAR ASR QURILISH     | Не прошёл                     | Не прошёл                      | Не прошёл     |
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | Прошёл                        | Прошёл                         | 99,15631      |
| MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS | Прошёл                        | Прошёл                         | 100           |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 176164 от 10.11.2022 года на приобретение Гурлан тубин МТБга каршали 17-сон МТТнинг Истиқи тизмини жорий таъмирлаш умн, определила победителя:

MCBU GURLAN JAMSHID I BUSINESS  
348831234

и резервный исполнитель: дилбарант (301625834)

Проголосовали

| Комиссия              | Ф.И.О.                         | Голосование | Комментарий |
|-----------------------|--------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | MATMAYEV JALALUDDIN MUMINOVICH | Согласен    |             |
| Член комиссии         | KAMALOV JASURBEK FARHADOVICH   | Согласен    |             |
| Член комиссии         | KALABOV BAKHDIR KARIBAYEVICH   | Согласен    |             |

|               |                                    |          |
|---------------|------------------------------------|----------|
| Член комиссии | БАХТИМОН ХАМИДА НАЗИРОВА УЎЎИШИ    | Согаген  |
| Член комиссии | СМЛАУЛУ ХУСИНСИ ДИЕВА РАХИМОВА УЎИ | Сергаген |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП